

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ХОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

« 6 » июл 2019 йил

№ 1801-к

Боғот шаҳарчаси

Нусха № /

Боғот тумани «Усталар» маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзибаев Дилшод Юлдошович томонидан «Усталар» маҳалласида жойлашган турар жой биносининг ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жой биносига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,19-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғриси”да ПФ-5421-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли ва Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 26 июндаги 445-к, туман ҳокимининг 2018 йил 30 июндаги 1908-к-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Боғот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътроф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиясининг далолатномаси ҳамда фуқаро Рўзибаев Дилшод Юлдошовичнинг аризасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътроф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рўзибаев Дилшод Юлдошовичнинг ҳозирда фойдаланиб келаётган жами 0,0134 гектар ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштрилсин.

3. Ушбу ер майдонига қурилган 0001 литердаги жами қурилиш ости майдони 134,64 квадрат метрдан иборат, шундан яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб ички ўлчами 60,22 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 1 (уч)та бўлиб ички ўлчами 42,90 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 103,12 квадрат метрдан иборат бўлган турар жой биносига мулк ҳуқуқини эътроф этилсин.

4. Фуқаро Рўзибаев Дилшод Юлдошовичга ушбу уй-жой биноларига тегишли ўзгартириш киритиш зарурияти туғулганда туман қурилиш бўлими билан келишилган ҳолда олиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. “Усталар” маҳалласи фуқаролар йиғинига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда хўжалик дафтарига ўзгартиришлар киритиб бориш вазифаси юклансин.

6. Туман Давлат солиқ Инспекциясига мазхкур қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги тартиб ва мудатларда ер ва мулк солиқларини белгилаш ва ундириб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Норбоев) га туман Ер хисобати (баланс) га тегишли ўзгартириш киритиш топширилсин.

8. Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қархонаси Боғот тумани филиалига фуқаро Рўзибаев Дилшод Юлдошовичга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ўрнатилган тартибда кадастр хужжатларини тайёрлаш ва уларга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

9. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



О.Холбоев